



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шарт сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

13. Данные управления сельского хозяйства Самаркандской области, 2007-2020 гг.

<p style="text-align: center;">O.Murtazayev, G.Ibragimov</p> <p style="text-align: center;">Asosiy qishloq xo‘jalik ekinlarini yetishtirishdan olingan foydaga agroxizmatlar omilining ta’siri tahlili</p> <p>Annotatsiya: Maqolada agroservis tizimi omillarining asosiy qishloq xo‘jalik ekinlari yetishtirishdan olinadigan foydadagi ulushi ma’lumotlar paneli tasodifiy ta’sir modeli orqali o‘rganilib, tegishli taklif va xulosalar berilgan. Tadqiqotlar Samarqand viloyati misolida 14 yillik ma’lumotlar 14 tuman misolida olib borilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: xizmat, servis, agroservis, tasodifiy ta’sirlar modeli, agroservis omillari o‘zgarishining statistik tahlili, xizmat ko‘rsatish omillarining regression tahlili, kimyoviy xizmatlar, yoqilg‘i ta‘minoti, MTP xizmatlari, SIU xizmatlari.</p>	<p style="text-align: center;">O.Murtazayev, G.Ibragimov</p> <p style="text-align: center;">Analysis of agriservice factors affecting profit in main agricultural products</p> <p>Abstract: The article examines the share of factors of the agroservice system in the profit from the cultivation of major crops using a data panel random effects model, gives corresponding suggestions and conclusions. The study was conducted on the example of 14 districts of the Samarkand region, data for 14 years.</p> <p>Keywords: service, agriservice, random effects model, statistical analysis of changes in agriservice factors, regression analysis of service factors, chemical services, fuel supplies, MTP services, WUA services.</p>
--	---

Очилов Илхом Сайиткулович - ТДИУ мустақил тадқиқотчиси (DSc), и.ф.н., доцент

КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

<p>Аннотация: Мамлакатимизда ташкил этилаётган кластерларда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, фойдани ошириш ва молиявий барқарорликка эришиш стратегияси танлаб олинган. Шу сабабли мақолада кластерлар фаолиятидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган ҳамда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.</p> <p>Калит сўзлар: ташкилий-иқтисодий, кластерлар фаолияти, самарадорликни ошириш, пахта-тўқимачилик кластерлари, давлат субсидияси, банк кредити, рейтинг кўрсаткичи, самарадорликни баҳолаш, кўрсаткичлар таҳлили.</p>
--

Кириш. Мамлакатимизни 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси мақсадларидан бири “қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” ҳисобланади [1].

Ушбу вазибалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ташкил этилаётган кластерларда ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш, фойдани ошириш ва молиявий барқарорликка эришиш стратегияси танлаб олинган. Шу мақсадда кластер таркибига кирувчи корхоналар фаолиятини ташкил қилиш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг турли минтақаларида кўплаб кластер лойиҳалари амалиётга жорий этилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш илмий-методологик ва амалий-назарий жиҳатдан асосланганликни талаб этади.

Кластер ва унинг таркибига кирувчи корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ресурслар тежамкорлиги, ходимлар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги, хизмат кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижадорлигини ошириш, истеъмолчилар талабини қондириш каби масалалар кластерларни ташкил этишга доир муаммолардан ҳисобланади.

Корхоналар рақобатбардошлигини ошириш мақсадида пахта хом ашёсини етиштиришдан тортиб унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотларни тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматга эга бўлган трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларини уйғунлаштирувчи кластер моде-

лини амалиётда қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнига янги инновацион технологиялар, ноу-хау ва ишланмаларини жорий этиш орқали юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорти ҳажмини ошириш, шунингдек, миллий маҳсулотлар брендларини жаҳон савдо бозорларида кенг тарғиб қилиш каби мақсадларга инвестицияларни йўналтириш долзарб ҳисобланади. 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 млрд. АҚШ долларига етказиш каби вазифалар белгиланган [2].

Кластерлар фаолиятидаги самарадорлик масалаларини «Navbahor Tekstil» MChJ, «Baht-Textile» MChJ QK, «Maroqand Sifat Tekstil» MChJ, «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерларида ўтказилган тадқиқотларимиз асосида таҳлил қиламиз.

Адабиётлар таҳлили. Трансформация шароитида кластерлар самарадорлигини ошириш методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг баъзи назарий, ташкилий ва методологик жиҳатлари мамлакатимиз олимлари ва хорижий олимлар томонидан ёритилган. Аммо уларнинг илмий тадқиқотларида кластерларнинг **самарадорлик кўрсаткичлари, самарадорликнинг комплекс кўрсаткичлари, КРІ орқали баҳолаш** каби масалалар чуқур кўриб чиқилмаган.

Драгишвич ва Обадиқ фикрича, кластерларнинг самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида ўлчанади: ишлаб чиқариш ҳажми, харажатлар, сотиш ҳажми, яратилган иш ўринлари сони, иш ҳақи, ҳосилдорлик, нархлар, қўшимча қиймат, корхоналар сони, инновациялар ва бошқалар [3].

М.Обидовнинг фикрича, кластерларда харажатларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларни вужудга келиши ва иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, кластер тизимидаги корхоналарнинг харажатлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш лозим [4].

А.Авлақулов фикрича, “Чиқим”, “сарф” ва “харажат” категорияларини чуқур таҳлил қилиш бухгалтерия ҳисобида муҳим масалалардан биридир, чунки ушбу категориялар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган маҳсулот таннархининг тўғри шаклланишида муҳим аҳамият касб этади [5].

Қ.Абдурахмонов корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш омиллари, уларни ўлчаш усуллари, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва корхона персоналини ижтимоий жиҳатдан бошқаришнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилган [6].

Т.Д. Бурменко тадқиқотларида хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни ошириш омиллари ва резервлари, уларни ўлчаш усуллари, корхонада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш омиллари, иш ҳақининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, иш ҳақини тўлаш шакллари ва усуллари, унинг асосий вазифалари ва функциялари тадқиқ этилган [7].

А.А. Божья-Воля ходимлар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш тизимида доир тадқиқотлар олиб бориб, асосий эътиборни етти маъмурий модель (Англо-Америка, Франция, Германия, Скандинавия, Хитой, Жанубий Корея, Япония) бўйича юқори, ўрта ва қуйи бўғин раҳбар кадрлари фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимлари ва элементларини тадқиқ этган [8].

Хитойнинг Сучжоу давлат университети тадқиқотчилари Цяньцзянь Гу ва Кан Чжаолар ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолашда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (Key Performance Indicators, KPI)дан фойдаланиш бўйича эмпирик тадқиқот ўтказишган [9].

Ш.Маматовнинг фикрича, ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: 1) корхонанинг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш; 2) самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи рўйхати ва унинг ҳар бир давр учун аҳамиятга эга бўлган мақсади акс эттирилган йиллик бизнес-режасини қабул қилиш; 3) самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи бўйича ҳар бир кўрсаткични ҳисоблаш тартиби кўрсатилган корхона фаолиятини баҳолаш

услуги ҳақидаги қоидаларни ишлаб чиқиш; 4) самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи бўйича баҳолаш натижалари ҳисобга олинган ҳолда мукофотлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қоидалар ҳамда бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш [10].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, тизимли ёндошув, статистик ва молявий таҳлилнинг солиштириш, туркумлаш, гуруҳлаш, мутлақ ва нисбий миқдор усуллари қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Сўнги йилларда мамлакатимизда халқаро амалиётда синалган ва иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этувчи бозор муносабатларига мос кластерлар тизими пахта-тўқимачилик соҳасида устувор бўлиб турибди.

Кластерлар фаолияти бизнес-режасида барча харажатларни акс эттириш, сарфланадиган харажатларни бошқариш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалар ҳисобланади. Шунингдек, бизнес режада ҳам ашё етиштиришдан бошлаб, уни тайёр маҳсулот сифатида сотишгача бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз занжирини, шу жараёнларга сарфланадиган харажатларнинг ҳисоби ва унинг назоратини ташкил қилиш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, инвестиция лойиҳалари ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва сарфланадиган харажатларни прогноз кўрсаткичлари билан ҳақиқий сарфланишини ҳисобга олиб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластерларида асосий харажатларнинг кўпчилик қисмини моддий харажатлар ташкил қилади. Тармоқда ҳам ашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг 2022-2030 йилларга мўлжалланган мақсадли параметрлари прогнозини эконометрик моделлаштиришнинг «E-views», «Stata», «Excel» дастурлари ёрдамида ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этиш мумкинлиги илмий жиҳатдан асосланди.

2021 йилда «Navbahor Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерининг Конимех ва Навбахор туманларидаги 8200 га ер майдонида 25700 тонна, «Baht-Textile» MChJ ҚК пахта-тўқимачилик кластерининг Кармана ва Қизилтепа туманларидаги 13800 га ер майдонида 46700 тонна, «Maroqand Sifat Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерининг Ишпихон ва Оқдарё туманларидаги 9100 га ер майдонида 25300 тонна, «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерининг Пастдарғом ва Нуробод туманларидаги 10934 га ер майдонида 26841 тонна пахта ҳосили етиштирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Пахта-тўқимачилик кластерлари тўғрисида умумий маълумот (2021 йил)*

№	Кластер номи	Пахта майдони, га			Ялпи ҳосил, тонна			Жами маблағ ажратиш меъёри, млн.сўм		
		Конимех	Навбахор	8200	Конимех	Навбахор	25700	Конимех	Навбахор	61680
1	«Navbahor Tekstil» MChJ	600	7	8200	1	24	25700	3	58	61680
		600	600		300	400		120	560	
2	«Baht-Textile» MChJ ҚК	5	8	13800	16	30	46700	38	73	112080
		400	400		200	500		880	200	
3	«Maroqand Sifat Tekstil» MChJ	8	500	9100	23	1	25300	57	3	61720
		600	600		900	400		360	360	

4	«Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ	Пастда рғом	10 434	10934	Пастда рғом	25 841	26841	Пастда рғом	62 019	64419
		Нуробод	500		Нуробод	1 000		Нуробод	2 400	
Жами		42 034			12 4541			299 899		

*Кластерлар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Олинган фойдани кластер таркибига кирувчи корхоналарнинг тайёр маҳсулотга қўшган ҳиссасига қараб мос равишда тақсимлаш механизмини жорий этиш натижалари бўйича амалга оширилган таҳилларимизда ўрганилаётган кластерларда пахта ҳосилдорлиги «Navbahor Tekstil» MChJ 8 (32-27)ц/га, «Baht-Textile» MChJ 5 ц/га, «Maroqand Sifat Tekstil» MChJ +9 ц/га, «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ 9 ц/га(2,3-жадваллар) ошганлиги аниқланди.

2-жадвал

**Пахта-тўқимачилик кластерларида ўргача ҳосилдорлик таҳлили
(2019-2022 йиллар, ц/га)***

№	Кластер номи	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2022 йил 2019 йилга нисбатан
1	«Navbahor Tekstil» MChJ	24	26	30	32	+8
2	«Baht-Textile» MChJ QK	27	28	29	32	+5
3	«Maroqand Sifat Tekstil» MChJ	27	28	32	36	+9
4	«Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ	27	30	34	36	+9

*Кластерлар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Кластерлар фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлат жамғармаси кредит ресурслари ҳисобидан пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари орқали мақсадли кредитлар ажратиш ва ушбу кредит муддатида қайтарилмаганда уларга оширилган ставка бўйича фоиз ундириш тартибини белгилаш амалиётининг жорий этилиши натижасида «Navbahor Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластери “Агробанк” АТБдан 2021 йил 7,8 млрд. сўм; «Baht-Textile» MChJ QK пахта-тўқимачилик кластери “Агробанк” АТБдан 2021 йил 3,4 млрд. сўм; «Maroqand Sifat Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластери “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБдан 2021 йил 44,5 млрд. сўм; «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластери “Асакабанк” АТБдан 2021 йил 115,0 млрд. сўм миқдоридан кредит олиб, белгиланган тартиб ва муддатларда қайтаришган.

Шу билан бирга, кластерларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ва кўрсаткичларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш натижасида «Navbahor Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерига 2021 йилда 2,7 млрд. сўм давлат субсидияси ажратилиб, 2021 йилни 5,6 млрд. сўм, 2022 йилни эса 8,1 млрд. сўм; «Baht-Textile» MChJ QK пахта-тўқимачилик кластерига 2021 йилда 1,5 млрд. сўм давлат субсидияси ажратилиб, 2021 йилни 755,1 млн. сўм, 2022 йилни эса 911,8 млн. сўм; «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерига 2021 йилда 1,5 млрд. сўм давлат субсидияси ажратилиб, 2021 йилни 118,9 млн. сўм, 2022 йилни эса 245,8 млн. сўм фойда билан яқунлаган (3-жадвал).

Кластерлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичидан, яъни кластерлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра тизим корхоналари

Пахта-тўқимачилик кластерларининг банклардан олган кредит ва давлат субсидияси маблағлари таҳлили (2021 йил, млрд. сўм)*

№	Кластер номи	Банк номи	Олинган кредит	Давлат субсидияси	Фойда, 2021 йилда	Фойда, 2022 йилда
1	«Navbahor Tekstil» MChJ	“Агробанк” АТБ	7,8	2,7	5,6	8,1
2	«Baht-Textile» MChJ QK	“Агробанк” АТБ	3,4	1,5	0,755	0,911
3	«Maroqand Sifat Tekstil» MChJ	“Ўзсаноатқури лишбанк” АТБ	44,5	0,70	0,115	0,130
4	«Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ	“Асакабанк” АТБ	115,0	0,80	0,118	0,245

*Кластерлар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

рейтингини аниқлаш ва рейтинг кўрсаткичлари асосида рағбатлантириш тартибидан фойдаланиш натижасида «Navbahor Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластери тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 1,5 бараварга, КРІ (фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи) тизимига ўтилган 2022 йилдан бошлаб эса корхоналар молиявий самарадорлиги 2019 йилга нисбатан 8,0 фоизга; «Baht-Textile» MChJ QK пахта-тўқимачилик кластери тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2 бараварга, КРІ (фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи) тизимига ўтилган 2022 йилдан бошлаб эса корхоналар молиявий самарадорлиги 2019 йилга нисбатан 4,0 фоизга; «Maroqand Sifat Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластери тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ойлик иш ҳақи 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 1,5 бараварга, КРІ (фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи) тизимига ўтилган 2022 йилдан бошлаб эса корхоналар молиявий самарадорлиги 2019 йилга нисбатан 12,0 фоизга; «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластери тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдори 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2,0 бараварга, КРІ (фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичи) тизимига ўтилган 2022 йилдан бошлаб эса корхоналар молиявий самарадорлиги 2019 йилга нисбатан 6,0 фоизга ошган.

Шу билан бирга, кластерлар фаолиятига “Европа меморандуми” кўрсаткичи асосида баҳо бериш амалиётини қўллаш натижасида 2022 йилда «Navbahor Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерига 4,8 млн. АҚШ доллари, «Baht-Textile» MChJ QK пахта-тўқимачилик кластерига 2,5 млн. АҚШ доллари, «Maroqand Sifat Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерига 6,0 млн. АҚШ доллари, «Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ пахта-тўқимачилик кластерига 8,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги чет эл инвестициялари жалб этилди (4-жадвал).

Шунингдек, кластерларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмлари самарадорлиги таҳлилни такомиллаштириш учун қуйидагиларни тавсия қиламиз:

кластерни бошқаришни юқори малакали мутахассислардан ташкил топган махсус мувофиқлаштурувчи кенгаш орқали амалга ошириш;

кластерни ўз ичига олган ҳудудда юқори самарали техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш, илмий-амалий муаммолар ечимлари билан тегишли илмий-тадқиқот муассасалари, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий ва ўрта махсус таълим муассасалари шуғулланиши;

бошқаришнинг кластер технологиясини жорий этиш юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар тайёрлашни таъминланиши, ишлаб чиқариш харажатларини кескин қисқартирадиган энергия олиш, биогаз ишлаб чиқариш ва шунга ўхшаш бошқа технология-

Пахта-тўқимачилик кластерлари тизимидаги корхоналарда ходимларнинг ойлик иш ҳақи миқдорининг ўсиши ва жалб этилган чет эл инвестицияси маблағлари таҳлили*

№	Кластер номи	Ходимлар ойлик иш ҳақи (2022 йилда 2021 йилга нисбатан)	Молиявий самарадорлик, 2022 йил 2019 йилга нисбатан, %да (KPI қўлланилгач)	Жалб этилган чет эл инвестициялари миқдори (2022 йил, млн. АҚШ доллари)
1	«Navbahor Tekstil» MChJ	1,5 баравар	+8,0	4,8
2	«Baht-Textile» MChJ QK	2,0 баравар	+4,0	2,5
3	«Maroqand Sifat Tekstil» MChJ	1,5 баравар	+12,0	6,0
4	«Samarqand Kamalak Invest Tekstil» MChJ	2,0 баравар	+6,0	8,0

*Кластерлар маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

ларни жорий қилиш ҳамда мажмуанинг барча бўғинларини ақлли машиналар тизими ёрдамида бошқариш имкониятини яратиши;

фойдани бир неча баробарга оширадиган ва мажмуа рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлайдиган тизим яратилиши;

кластер сиёсатини амалга ошириш натижалари кластерни ташкил этувчи корхоналарнинг унумдорлиги ва инновацион фаоллигининг ўсиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмининг ўсиши, кластерга асосланган ҳудудларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига олиб келиши;

кластерларда ташкилий-иқтисодий самарадорликни баҳолаш учун молиявий, харидорлар, ички ишбилармонлик муҳити, таълим ва кадрлар салоҳиятини ошириш омиллардан фойдаланиш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик таҳлилинини такомиллаштириш учун ривожланган чет мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

олинган фойдани кластер таркибига кирувчи корхоналарнинг тайёр маҳсулотга қўшган ҳиссасига қараб мос равишда тақсимлаш механизмини жорий этиш;

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаларига имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратишга доир таклифлар киритиб бориш;

ташкилий-иқтисодий, молиявий механизмлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш ва кўрсаткичларни таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш;

самарадорликни баҳолашнинг комплекс кўрсаткичидан фойдаланиш ва KPI баҳолаш усулини амалиётга татбиқ этиш;

кластерлар фаолиятига “Европа меморандуми” кўрсаткичи асосида баҳо бериш амалиётини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони, 2022 йил 29 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

3. Dragičević, M., & Obadić, A. (2013). Klasteri i politike razvoja klastera [Clusters and cluster development policy]. Zagreb: Faculty of Economics University of Zagreb.
4. Обидов Р.Р. “Кластер тизимида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун ёзган диссертацияси автореферати. Т.: 2021й. 62 б.
5. Авлоқулов А.З. “Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш” мавзусида иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражаси учун диссертация автореферати. Т.: 2019 й. 120 б.
6. Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. Дарслик, «Меҳнат» - 2009. -512 б.
7. Бурменко Т.Д. Экономика сферы услуг (Вводный курс) / Т.Д.Бурменко. –Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2004. – С.37-38.
8. Божья-Воля А.А. Система оценки и стимулирование результативности деятельности государственных служащих: Автореф. дис... канд. экон. наук. – М., 2012. – С. 4.
9. Qianqian Gu, Kang Zhao. An Empirical Research on the Performance Assessment of Chinese Civil Servants // International Conference on Logistics Engineering, Management and Computer Science (LEMCS 2015). – Pp. 768-776. – Access mode: <https://doi.org/10.2991/lemcs-15.2015.151>.
10. Маматов Ш. Самарадорликни баҳолаш: қадимий ва замонавий мезон. – Кириш режими: [http:// biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/45160-samaradorlikni-baholash-qadimiy-va-zamonaviy-mezon](http://biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/45160-samaradorlikni-baholash-qadimiy-va-zamonaviy-mezon).
11. Saidov M.H., Ochilov I.S. (2023). Improving the analysis of the financial stability of clusters in the process of transformation. Monograph. "Zebo print" publishing house. Tashkent: 2023. – 152 pages.
12. Очилов И.С. (2023). Трансформация ва рақамли иқтисодиёт шароитида агрокластерлар самарадорлиги таҳлилини такомиллаштириш. Монография. “O‘zkitob savdo nashriyot matbaa ijodiy uyi” нашриёти. Тошкент: 2022. –Б 172.
13. Очилов И.С. (2023). Хизмат кўрсатиш кластерларининг ташкилий-иқтисодий ва молиявий самарадорлиги таҳлили. Agroiqtisodiyot, N1 [27] 2023, Б.151-152.

И.Очилов	I.Ochilov
Анализ показателей экономической эффективности деятельности кластеров	Analysis of indicators of economic efficiency of cluster activities
<p>Аннотация: В созданных в нашей стране кластерах выбрана стратегия снижения себестоимости продукции, увеличения прибыли и достижения финансовой устойчивости. По этой причине в статье проанализированы показатели экономической эффективности деятельности кластеров и предложены научно-практические рекомендации.</p> <p>Ключевые слова: организационно-экономическая, деятельность кластеров, повышение эффективности, хлопково-текстильные кластеры, государственная субсидия, банковский кредит, рейтинговый индекс, оценка эффективности, анализ показателей.</p>	<p>Abstract: In the clusters created in our country, a strategy has been chosen to reduce production costs, increase profits and achieve financial stability. For this reason, the article analyzes the indicators of economic efficiency of clusters and gives scientific and practical recommendations.</p> <p>Keywords: organizational and economic, cluster activity, efficiency improvement, cotton-textile clusters, state subsidy, bank loan, rating index, performance evaluation, analysis of indicators.</p>

Юсуф Ибрагимович Турдибеков – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети катта ўқитувчиси

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ХАРАЖАТ ЁНДАШУВИ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада автотранспорт воситалари хизматларининг харажат ёндашуви усуллари ўрганилди ва харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тақдим қилинди.

Калит сўзлар: автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматлари; харажат ёндашуви; жисмоний эскириш; функционал эскириш; ташқи эскириш; бозор қиймати.

Кириш. Ўзбекистонда автомобиллаштириш даражаси ошиб бориши натижасида баҳолаш хизматлари турларидан бири – автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларига

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023